O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 4 февраль, № 24 (3823) Шанба



Мамлакатимизда пахта хомашёсини қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

СИФАТЛИ УРУҒ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ҳозирда "Фарғонапахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимида 10 та пахтани қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Шулардан бири — "Қўқон 2-пахта тозалаш заводи" очиқ акциядорлик жамиятида "С-6524" ва "Бухоро-102" навли пахта хомашёси қайта ишланади. Муҳими, корхонада тайёрланаётган пахта толаси жаҳон бозорида жуда харидоргир.

Яқинда бу ерда яна бир янгилик жорий этилди. Испаниядан замонавий технологиялар келтирилиб, ўрнатилди.

Таъкидлаш жоизки, бир кечакундузда 60 тонна уруғни саралаш, дорилаш ҳамда қадоқлаш қувватига эга мазкур ускуна завод иқтисодий салоҳиятини яхшилашга хизмат қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: Қодир Юсупов ва Бахтиёр Шерқўзиевлар уруғни қадоқлашмоқда; ишчи Зафар Мираҳмедов.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони халқимиз озодлигининг, аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир.

Кейинги йилларда Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланди, Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Айни вақтда янги Маъмурий бино, Бизнес маркази қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Бундай катта бунёдкорлик ишлари туфайли бугунги кунда бу масканнинг нафақат қиёфаси ўзгаргани, балки унинг бутунлай янгича маъно-мазмун касб этганини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Бадиий академияси ва кенг жамоатчиликнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги монументга Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантаналарида маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш расмий маросими жорий этилсин.

3. Ўзбекистонга ташриф буюрадиган чет эл давлатлари раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, хорижий делегациялар вакиллари ва бошқа расмий меҳмонларнинг давлат протоколига киритилган ҳолатларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросимининг тартиби тасдиқлансин.

4. Мустақил тараққиётимиз, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ муҳим саналар, касб байрамларини нишонлаш, тантана ва анжуманлар ўтказиш муносабати билан Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш расмий маросими, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А.Тўхтаев) «Ўзбектуризм» миллий компанияси (Р.Қурбонов) билан биргаликда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг, сайёҳлик гуруҳларининг Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира хиёбонини зиёрат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов) мамлакатимиз аҳолиси ва чет эллик меҳмонлар учун «Мустақиллик майдони» деб номланган рангли-безакли открытка ва буклетларни нашр этсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва республика оммавий ахборот воситаларига Мустақиллик майдонида амалга оширилган ишлар, бу ерда ўтказиладиган тадбирларни мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 февраль.

Брифинг

Ҳозирги кунда темир танқислиги ва темир танқислиги камқонлиги, фолий танқислиги муаммоси бутун дунёда, шу жумладан, юртимизда ҳам долзарб саналади. Бу муаммо болалар ва ўсмирларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, айни пайтда иш қобилиятининг пасайиши, оналар ва болалар ўлимини келтириб чиқарадиган омиллардан биридир.

КАМҚОНЛИК ВА... ОГОҲЛИК

Жаҳон банки маълумотларига кўра, камқонлик асоратлари оқибатида кўрилган зарар ҳар бир мамлакат йиллик даромадининг 5 фоизини, унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар эса 0,3 фоизни ташкил этади.

Кеча Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг республика Камқонлик марказида ушбу масалага доир брифинг ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари таклиф этилган мазкур учрашувнинг ушбу марказда ўтказилиши бежиз эмас. Негаки, мазкур институт камқонлик масаласи билан шуғулланадиган, камқонлик бўйича турли дастурларни ишлаб чиқадиган етакчи муассаса ҳисобланади. Брифингда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ҳамда Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти вакиллари ўз маърузалари билан чиқиш қилдилар. Таъкидландики, институт мутахассислари томонидан республикамизнинг

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

2006 йил 3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисини 2006 йил 24 февраль куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қанча қонунларни, хусусан "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Истеъмол кредити тўғрисида"ги, "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги, "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги, "ГЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенцияни денонсация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда.

Бўлажак ялпи мажлисда Сенатнинг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот тингланади ҳамда Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кучайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги масала кўриб чиқилади.

Шу билан бирга сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиш киритиш, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор давлатлардаги дипломатик вакилларини вазифасидан озод қилиш ва вазифасига тайинлаш масалаларини, шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни киритиш мўлжалланмоқда.

Кенгаш парламент юқори палатаси қўмиталарининг бешинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириб боришни Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳиддинова зиммасига юклади.

ЎзА.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётир. Рўёбга чиқаришга барча давлат ва ижтимоий институтлар жалб этилган, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўзини дахлдор деб биладиган мазкур дастур, шак-шубҳасиз, стратегик мақсадга эришишнинг, бинобарин гуллаб-яшнаётган, кучли демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси бўлиб қолмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – ҳаётга

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда содир бўлаётган демократик ўзгаришларнинг ажралмас қисмидир. Мазкур дастурни қабул қилишда давлатимиз раҳбари томонидан таъкидлаб ўтилганидек, жамиятни янгилашга қаратилган улуғвор мақсадларга, эзгу ниятларга эришиш, тараққиёт ва порлоқ истиқбол йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларимиз самарадорлиги ва тақдири, саъй-ҳаракат ва интилишларимизнинг натижаси, энг аввало, замон талабларига жавоб бера оладиган

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯ ВА ҚЎМИТАЛАРДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан «Касаначилик — халқимизга хос азалий тадбиркорлик шакли» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда Юртбошимизнинг жорий йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда касаначилик ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар республикамизда касаначиликни ривожлантириш орқали аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган ҳунармандчилик турларини келгуси авлодларга етказиш, шунингдек, иш билан банд бўлмаганларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш масалаларига тўхталиб ўтдилар.

Семинар қатнашчилари муҳокама қилинган масала юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдиришди ва фармон мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш бўйича тавсиялар бердилар.

* * *

Қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида «Микрокредитлар берилиши ва микрокредит ташкилотлари фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур қўмита раиси А. Аҳадов олиб борган анжуманда ҳукуматимиз томонидан бугунги кунда жамиятимизни демократлаштириш ва иқтисодиётни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилиши мамлакатимизда микрокредитлаш тизимининг ривожланишига кенг йўл очиб бераётгани таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон микромолия ташкилотлари ассоциациясининг минтақавий директори Джанис К. Сталлард микромолия ташкилотлари фаолияти, уларнинг ривожланиш истиқболлари ва бу борада хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳақида сўзлаб берди.

* * *

Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Саҳоватлилик — ўзбек халқининг олижаноблик ва инсонийлик фазилати» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Қўмита раиси Азамат Зиё олиб борган ушбу анжуманда ҳомийлик, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват азалдан халқимизга хос фазилат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуманда ҳомийликнинг моҳиятини халқ онгига етказиш ва бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш долзарблиги, савоб ишларни амалга ошириш, ҳомийликнинг қонуний асослари ва кафолатларини яратиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида сўз юритилди.

Шу билан бирга, давра суҳбатида шифокорларнинг меҳнатини улуғлаш, уларга етарли шарт-шароит яратиш тизимини ишлаб чиқиш ва бунда ҳомийларнинг ўрнини аниқлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда депутатлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва шифокорлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

* * *

Яна бир давра суҳбати қуйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женева шаҳрида имзоланган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартномага ва 1968 йил 8 октябрда имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши масалаларига бағишланди. Қўмита раиси М. Тешабоев олиб борган анжуманда XXI асрда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш долзарб масалага айлангани ҳақида гапирилди.

Давра суҳбатида депутатлар, Республика Давлат патент идораси ва тегишли давлат органлари вакиллари иштирок этишди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ижодий сафар билан Москвадан Тошкентга

Жорий йилнинг 16-26 февраль кунлари дунёда ном қозонган театр жамоаларидан бири — К.Станиславский ва В.Немирович-Данченко номидаги Москва мусиқий академик театрининг балет гуруҳи илк маротаба Тошкентда ижодий сафарда бўлади.

Ижодий сафар давомида мазкур гуруҳ репертуаридаги энг оммабоп асарлар — "Оққуш кўли", "Дон Кихот", "Жизель" ва "Щелкунчик" сингари спектакллар мамлакатимиз санъат ихлосмандларига намойиш этилади.

Кутилаётган ушбу ижодий сафар муносабати билан мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мусиқий театрнинг матбуот атташеси Дмитрий Абаулин таҳминан юз нафар иқтидорли санъаткорни ўз атрофига бирлаштирган жамоа тўла таркибда Тошкентга келишини маълум қилди. Унинг айтишича, спектакллар А.Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг симфоник оркестри жўрлигида намойиш этилади. Шу боис москвалик театр дирижёрлари ва концертмейстерлар ўзбекистонлик театр мусиқачилари билан биргаликда тайёргарлик кўриш учун муддатидан олдин Тошкентга келишади.

Матбуот анжуманда "Росзарубежцентр" ваколатхонасининг раҳбари Татьяна Мишуковская сўнгги йилларда Ўзбекистон — Россия маданий ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётгани хусусида тўхталар экан, жорий йили бу соҳада амалга оширилиши кўзда тутилаётган ўзаро ҳамкорлик режалари тўғрисида тадбир иштирокчиларига атрофлича маълумот берди.

Феруза ҒУЛОМОВА, "Жаҳон" АА.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – ҳаётга

(Давоми. Боши 1-бетда).

юқори малакали, билимдон кадрлар — мутахассислар тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг белгилаб олинган мақсадларга эришишдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ўз мажлисида ана шу муҳим дастурий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ижро этилиши масаласини кўриб чиқди. Бу масала юзасидан олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари М.Зиёев ахборот берди.

Муҳокама вақтида таъкидлаб ўтилдики, мамлакатимизда ўнлаб янги университетлар, қатор академия ва институтлар очилди, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг кенг тармоғи ишлаб турибди. 2300 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Таълим жараёнига илғор технологиялар жорий этилди, масофавий ўқитиш ҳамда компьютер технологияларидан фойдаланиш ишлари йўлга қўйилди. Таълим жараёни билан илм-фан ўртасидаги алоқани кенгайтириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, сенаторлар таъкидлаб ўтганидек, бу борада ечимини кутаётган қатор муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, профессор-ўқитувчилар таркиби муайян қисмининг профессионал даражаси, айрим олий ўқув юртларида таълим жараёнининг ташкил этилиши даражаси юқори эмас, баъзи таълим муассасалари фаолиятини қаноатланарли деб бўлмайди.

Йиғилишда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш паст даражада эканлигига, бюджет ва молия интизомига риоя этишдаги камчиликларга, ўқув юртларида ўқитувчи-педагогларни аттестациядан ўтказишнинг мавжуд механизми унча самарали эмаслигига ҳам эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан парламент юқори палатасининг аъзолари тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда янада ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Шу билан бирга олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини янада кучайтириш ҳамда таълим муассасаларини молиялаштиришни ularнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларини ҳам назарда тутган ҳолда такомиллаштириш юзасидан тавсиялар билдирилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб даражасида ижро этиш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан мажлисда тегишли қарор қабул қилинди.

ЎзА.

КАМҚОНЛИК ВА... ОГОҲЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

9 та вилоятида ЮНИСЕФ ва JICA халқаро ташкилотлари кўмагида 2002-2008 йилларда оналар ва болалар ўртасида камқонликнинг олдини олиш мақсадида махсус дастур амалга оширилмоқда. Дастур бўйича туғиш ёшидаги аёллар, ҳомиладорлар, ўсмир қизлар ва 2 ёшгача бўлган болалар ҳафтада бир маротаба темир препаратларини истеъмол қилишади. Осиё Тараққиёт банкининг молиявий ёрдамида ўтказилган ЯФСБ-2005 лойиҳасига асосан 2002-2005 йилларда мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 14 та йирик ун ишлаб чиқарувчи корхоналарида уннинг темир ва бошқа табиий моддалар билан бойитилиши, яъни фортификациялаш йўлга қўйилди.

Олиб борилган ишлар ўрганилганда, натижа шуни кўрсатдики, фортификациялаш дастури орқали 1 йил мобайнида аёллар ва болалар гемоглобин миқдори 5-7 г/л гача, сапламентация дастури орқали эса 15-20 г/л гача кўпайишига эришилди. Дастурларни амалга ошириш доирасида мутахассислар томонидан тиббий ходимлар, жамоат ташкилотлари учун ўқув машғулотлари ўтказилди. Аҳоли орасида турли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди.

Брифингда, шунингдек, ҳукуматимизнинг камқонликнинг олдини олишга қаратилган дастурлари, темир танқислиги камқонлиги масалалари ва дастурнинг амалдаги натижалари ОАВда етарлича ёритилмаётганлиги ҳам айтиб ўтилди. Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилаяпти экан, демак, бу жараённи аҳоли орасида татбиқ этишда ОАВнинг ўрни беқиёс. Шу боис Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти томонидан мазкур жараённи ОАВда кенг тарғиб қилиш мақсадида 2006 йилнинг 1 январидан "Журналистика, телевидение, радиода унни фортификация қилишнинг Миллий дастурини ёритиш бўйича 1-Миллий мукофот кўрик-танлови" эълон қилинди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЛИЦЕЙДА НАВОИЙХОНЛИК

Элликқалъа туманидаги Муҳаммад Юсуф номидаги Бўстон академик лицейида ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг бир неча шаҳар ва туманларидан келган шеърият ихлосмандлари иштирок этди.

Адабий кечада Хоразм Маъмун академияси илмий ходими, шоир Матназар Абдулҳаким, Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Жайҳун Мирзо ва бошқалар Алишер Навоий қолдирган буюк адабий меросни ўрганиш, унинг умумбашарий ғояларини ёшлар қалбига сингдириш лозимлиги хусусида гапирдилар.

Тадбир доирасида туманда беш йилдан буён фаолият юритаётган "Ақчакўл илҳомлари" республика адабий тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлиб, унда ўнга яқин ёш қаламкашнинг ижод намуналари муҳокама этилди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Устоз-шогирд анъанаси

Андижон вилояти Ҳонобод шаҳридаги Ўзбекистон — Корея "Ўз-Коджи" қўшма корхонаси Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган барча турдаги транспорт воситаларининг электр узатиш тизимларини тайёрлаб бермоқда. Эътиборлиси, бу ерда устоз-шогирд анъанасига алоҳида эътибор билан қаралади. 400 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилаётган жамоада ёшлар малакали усталардан касб-ҳунар сирларини қунт билан ўрганишмоқда. Бундан ташқари, 41 нафар ёш ишчи Кореяда бўлиб, автомобилсозлик заводида малака ошириб ҳам қайтди.

"Ўз-Коджи" қўшма корхонаси жорий йилда заводга 110 минг дона эҳтиёт қисмлар етказиб беришни режалаштирган. Уни уддалаш учун эса ишчи кучи, хомашё ва бошқа манбалар етарли.

СУРАТДА: ёш ишчи Нафиса Юсупова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҲУҚУҚШУНОС маслаҳати

Саволларингизга Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъати халқаро-ҳуқуқий ишлар бўйича ихтисослашган ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати Замира СИДДИҚОВА жавоб беради.

— Мен фуқаролик судига никоҳдан ажратиш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилгандим. Суд биринчи марта ярашиш учун 3 ой муддат бериб, кейин даъвомни рад этди. Мен эса ўша оилам билан 5 йилдан буён яшамайман. Ҳозир бошқа аёлга уйланганман. Апелляция шикояти ёздим, лекин апелляция ҳайъати менга ва адвокатимга ишни кўриш вақтини хабар қилмай, суд қарорини ўз кучида қолдирибди. Энди нима қилай?

И. ИНОҚОВ.
Самарқанд вилояти.

—Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 314- моддаси 2-бандида томонларга апелляция шикояти кўрилиш вақти хабар қилинмаса, апелляция ҳайъати ажримини бекор қилишга асос бўлади, деб кўрсатилган. Шунга кўра, Сиз вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича ҳайъат раиси номига назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиб, апелляция ҳайъатининг ажримини бекор қилиш учун протест келтиришини сўрашингиз мумкин.

— Менинг турмуш ўртоғим диндор. Шу сабабли бизлар фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш идорасидан қонуний никоҳдан ўтмасдан яшамоқдамиз. Яқинда менга диний тарзда тузилган никоҳ қонуний кучга эга эмаслигини айтишди. Шу тўғрими?

Д. АКРОМОВА.
Шаҳрихон тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 13-моддаси 2-бандига асосан диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ қонуний кучга эга эмас. Бундай никоҳ давлат рўйхатидан олдин ёки кейин диний расм-русумларга биноан ўтказилиши мумкин. Лекин у эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни қонуний ифодаламайди.

— Эрим билан 2 йил яшадик. Лекин у мен билан яшашни хоҳламай уйдан чиқиб кетди. Никоҳдан ажратиш тўғрисида судга ариза бердим. Бироқ, қайнонам тўйга кетган сарф-харажатларни мендан ундириш ҳақида судга ариза бермоқчи. Суд қайнонамнинг талабларини қаноатлантириши мумкинми?

Д. ИСЛОМОВА.
Фарғона шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 44-моддасига асосан никоҳдан ажратиш иши кўриб чиқилаётганда тўй ўтказиш учун кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

— Яқинда кечаси соат 23 ларда нотаниш одам маст ҳолда уйимга бостириб кириб, мени сабабсиз ҳақоратлади. Ўртамизда жанжал бўлди. Эртаси куни у устимдан шикоят қилиб, милициягa ариза берибди. Айтингчи, мен ўз уйимни, оиламнинг тинчлигини ҳимоя қилганим учун жавобгар бўлишим мумкинми?

С. ОЛИМОВ.
Қарши шаҳри.

— Сиз соат 22 дан кейин уйингизга бостириб кириб, оилангиз тинчлигини бузган шахсни чиқариб юборганингиз учун жавобгар бўлмайсиз. Ўз ҳуқуқларингизни судда ҳимоя қилинг.

Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.

Аввал қонунни ўрган...

Республика Президентининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятларини текширишни қатъий тартибга солиш тўғрисидаги фармонлари барчага маълум.

Аммо назорат органлари ходимлари кундалик фаолиятларида ҳар доим ҳам мавжуд қонун-қоидаларга амал қилишаяптими? Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунининг туб моҳиятини текширишга масъул барча ходимлар уни мукаммал ўрганишганми?

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссияси томонидан уюштирилган ўқув-амалий семинар машғулотларида шу каби масалалар муҳокама этилди. Семинарда вилоятдаги банклар, солиқ идоралари ходимлари, хўжалик юритувчи субъектлар, корхона ҳамда қўшма корхоналар, савдо ташкилотлари раҳбарлари, бош ҳисобчилари ва ҳуқуқшунослари, хўжалик суди вакиллари иштирок этди.

Семинарда ҳар хил асоссиз текширишларга батамом чек қўйиш, жамоаларда ҳисоботларни юритиш борасида қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини ташкил этишдаги вазифалар белгиланди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Якун

Республикамиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан бири — хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кескин ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятлари устав фондларидаги давлат улушини тубдан қисқартириш, уларнинг инвестицион жозибадорлигини кўтариш, қимматли қоғозлар бозорини, биринчи навбатда, уларнинг иккиламчи бозорини янада шакллантиришдир. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги "2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этди.

Хусусийлаштириш:

ИМТИЁЗ ВА МАСЪУЛИЯТ

Мухбиримиз ушбу дастур ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар, навбатдаги вазифалар ҳамда хусусийлаштириш жараёнларида учраётган айрим муаммолар хусусида Давлат мулки қўмитаси давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича мониторинг юритиш бўлими бошлиғи Ботирали УСМОНАЛИЕВ билан суҳбатлашди:

— Ботирали ака, суҳбатимиз аввалида мазкур дастур ва ундан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат улушларини реал мулкдорларга сотиш, шунингдек, ушбу корхоналарни замонавийлаштириш ҳамда барқарор ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш мақсадида 2003 йил 26 августда Вазирлар Маҳкамасининг 368-сонли қарори қабул қилинганди. Ушбу қарор ижросини амалга ошириш мақсадида иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисида Низом ҳам тасдиқланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг бошқа тегишли қарорлари ҳам қабул қилиниб, инвестиция мажбуриятлар эвазига бепул бериладиган корхона ва объектлар рўйхати аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган дастур ижросини таъминлаш орқали тузилмавий ўзгаришларни босқичма-босқич амалга ошириш ҳамда давлат активларини сотишда эгилувчан механизмларни қўллаган ҳолда хусусийлаштириш жараёнларини энг мақбул муддатларда ўтказиш ва уларда сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришилди. Хусусан, 2001-2002 ва 2003-2004 йилларда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, даромаднинг ошиши, хусусийлаштириш шакли ва усулларини динамик тарзда эркинлаштириш таъминланди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 319 та корхона ва объектга инвесторлар томонидан 14,7 млрд. сўмдан зиёд инвестиция киритилди. Бу кўзда тутилганига нисбатан 112 фоизни ташкил этади. Ўтган давр мобайнида, шунингдек, 190 та корхонанинг банкротлик ҳолати бартараф этилиб, қишлоқ жойларидаги 84 та паст ликвидли қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаториялари, болалар боғчалари, қурилиши тугалланмаган бошқа объектлар таъмирланиб, уларнинг фаолияти қайта йўлга қўйилди.

— Табиийки, инвесторларга корхона ёки объектни инвестицион мажбурият эвазига берилишининг ўзи катта имконият. Уларга яна қандай имтиёзлар берилган?

— Инвесторларга ҳар тарафлама қулайлик яратиш мақсадида 2004 йил май ойида тегишли меъёрий ҳужжатлар тасдиқланиб, унга биноан, инвесторлар томонидан тақдим этиладиган намунавий бизнес-режа, ғолиб инвесторлар билан имзоланадиган намунавий шартнома, шунингдек, инвестиция мажбуриятларини мониторинг қилиш тартиби тасдиқланди. Эндиликда танловда иштирок этишни хоҳлаган инвестор ушбу намунавий бизнес-режалардан фойдаланган ҳолда ўз таклифларини ҳудудий комиссияга тақдим этиши мумкин.

Бевосита уларга бериладиган имтиёзлар хусусида тўхталсак, биринчидан, инвестор томонидан инвестицион мажбуриятларини бажариш учун қўйилаётган пул маблағлари, моддий бойликлар ҳамда бошқа активларга даромад (фойда) солиғи солинмайди. Бундан ташқари, инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, ҳатто улар бўйича пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилади. Мисол учун, 2005 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, 89 та корхонанинг 2 млрд. сўмдан зиёд кредиторлик қарзлари, пеня ва жарималари ҳисобдан чиқарилди.

Афсуски, Тошкент ва Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияларининг совуққонлиги туфайли инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилган айрим корхоналарнинг қарзлари ҳалигача ҳисобдан чиқарилмаган. Ваҳоланки, инвестицион мажбурият олган инвесторлар даромад (фойда) солиғига ҳамда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа ҳам тортилмайдилар.

Мавриди келганда, ноль қийматда сотилган корхона ва объектларга киритиладиган инвестицияларнинг махсус ҳисоб рақами бўлмаганлиги сабабли, кўп ҳолларда киритилган инвестициялар корхонанинг мажбурий тўловлари ва кредиторлик қарзларини тўлашга тортиб олинаётганини айтиб ўтиш лозим. Бугунги кунда эса, тегишли қарорларга кўра, инвестициялар алоҳида субсчётга йўналтирилмоқда.

— Албатта, шартнома борки, мажбурияти ҳам бўлади. Шу ўринда инвесторларнинг ўз мажбуриятлари олдидаги жавобгарлиги хусусида нималар дея оласиз?

— Ушбу масалага тўхталишдан олдин инвестицион мажбуриятларини ортиғи билан бажараётган инвесторлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Хоразм вилоятидаги "Обиҳаёт" санаторий-профилакторийси инқироз ёқасига келиб қолган бир пайтда уни фуқаро К.Жумабеков 2 йил давомида 61 млн. сўм инвестиция киритиш шарти билан ўз таминг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан француз мактабининг Тошкентдаги ассоциациясига 1 йил муддатга берилган эди. Ушбу мажбурият ҳам ортиғи билан уддаланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бироқ, шоли курмаксиз бўлмаганидек, 35 та корхонага ғолиб инвесторлар томонидан шу кунга қадар инвестициялар киритилмагани ачинарлидир. Уларнинг энг кўпи Андижон вилояти (7 та), Жиззах вилояти (4 та), Қорақалпоғистон Республикаси (4 та) ва Тошкент шаҳрига (3 та) тўғри келади.

Низомда эса шартнома мажбуриятларини зарур даражада ёки умуман бажармаган инвесторларнинг жавобгарликлари қатъий белгилаб қўйилган. Чунончи, инвестор инвестиция мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган тақдирда, у ҳар бир кечиктирилган кун учун инвестиция мажбуриятлари қийматининг 0,04 фоизи, лекин жами қийматнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида "сотувчи»га" пеня тўлайди. Бундан ташқари, инвестор томонидан белгиланган режа асосида инвестиция киритилмаса ёки пеня тўланмаса, инвесторга маълум қилинган ҳолда шартнома бир томонлама бекор қилинади. Бу ҳолатда инвестор томонидан киритилган инвестиция қисми қайтарилмайди. Башарти, инвестор корхонага пул маблағларини кўчирмаган тақдирда, инвестиция мажбуриятлари қийматининг 15 фоизи миқдорида, лекин жамият активларининг баланс қийматидан ортиқ бўлмаган ҳажмда жарима тўлайди. Айни чоғда, инвестор жарима санкциясини тўлашдан ташқари хусусийлаштирилган корхонага ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида етказилган зарар ўрнини ҳам қоплайди.

Тўғри, аввалари инвесторларнинг бундай қатъий жавобгарликлари белгиланмаган, оқибатда уларнинг аксарияти ўз мажбуриятларини бажармай келарди. Устига устак, Давлат мулки қўмитаси томонидан бундай субутсизликка қарши бирор-бир жиддий чора кўришнинг имкони бўлмаганидан, шартномалар фақат бир томонлама бекор қилинган эди. Ҳозирда мавжуд хатолардан тегишли сабоқ чиқарилиб, ушбу корхоналарнинг 30 таси юқоридаги қайд этилган жавобгарлик ҳисобга олинган ҳолда қайта танлов савдолари орқали бепул берилди. Шу билан бирга, инвесторлар билан қўшимча келишув битимлари орқали аввал имзоланган шартномаларга ўзгартиришлар киритилиб, уларнинг мажбуриятлари олдидаги жавобгарликлари кучайтирилди.

Қабул қилинган дастур ижросини тўла-тўкис амалга ошириш ва уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳудудий танлов комиссиялар фаолиятига боғлиқ. Масалан, Хоразм ва Бухоро вилоятлари ҳудудий танлов комиссияларининг ҳар бир йиғилишида инвесторларнинг иштирок этаётгани ва мавжуд муаммолар жойида ўз ечимини топаётганини таъкидлаб ўтишни истардим.

Хуллас, хусусийлаштириш дастурининг қабул қилиниши жамиятда мулкдорлар сонини ошириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш имконини бермоқда.

Суҳбатдош:
Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

XXI АСР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Электроника соҳасида таниқли олим, Тошкент давлат Техника университети профессори Болтахўжа УМИРЗОҚОВ билан суҳбат

— Кейинги пайтда матбуотда, радиода, телевидениеда нанотехнология, наноэлектроника сўзлари тез-тез тилга олинмоқда. Бу тушунчалар тўғрисида қисқача маълумот берсангиз?

— Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техника соҳасида оламшумул ютуқларга эришилди, индустриялашнинг янги босқичига қадам қўйилди. Бу босқичда **микроэлектроника** пайдо бўлди. Фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари учун ноёб электрон қурилмалар яратила бошланди. Микроэлектроника ҳозирги кунда янада ривож топяпти. Жумладан, ЭҲМларнинг энг янги авлодлари яратилмоқда.

XXI асрни эса нанотехнология асри деб атасак бўлади. Нанотехнология — соддароқ тилда айтсак, қурилмалар жуссасини ихчамлаштиради, лекин ички қувватини оширади.

Нанотехнология асослари гарчи аввалроқ (1960-70 йй.) шаклланган бўлсада, соҳага тааллуқли иборалар кейинги 5-10 йил ичида муомалага кириб келди ва тезда кенг тарқалди. Нанотехнология вазифаларини шартли равишда икки босқичдан иборат, деб қараш мумкин. Аввало, ўлчамлари бир неча нанометрга (микроннинг мингдан бир улушига) тенг бўлган материаллар олиш ва улар асосида янги асбоблар ва қурилмалар ишлаб чиқариш. Бу асбоблар радиоэлектрониканинг барча соҳаларида нанокомпьютерлар яратишда, космосни ўзлаштириш қурилмаларида, тиббиётда ва фармакологияда, энергетикада, машинасозлик ва самолётсозликда, экологияда, органик модда ва тўқималар яратишда, қуёш энергиясидан фойдаланишда келажакда кенг қўлланилади.

Нанотехнология алоҳида атом ва молекулаларни манипуляция қилиш (керакли тартибда йиғиш) йўли билан ноёб хусусиятли нанообъектларни яратиш имконини беради. Жумладан, ҳозирги кунда бор-йўғи 3-4 атомдан иборат тажрибавий нанотранзисторлар, нанороботлар яратилган.

— Ривожланган давлатларда бу соҳада қандай ишлар олиб борилмоқда, қандай маблағлар сарфланмоқда, келажакда бу маблағлар ўзини оқлайдими?

— Ҳозирги пайтда АҚШ, Япония, Англия каби ривожланган давлатларда юзлаб илмий-текшириш институтлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларида нанотехнологиянинг ҳар хил соҳалари бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Ўнлаб олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашга киришилган. Доимий халқаро конференциялар, янги илмий журналлар ташкил қилинган. Муддати 10-15 йилга мўлжалланган йирик лойиҳалар бажарилмоқда. Бу соҳа ривожига дунё бўйича ҳар йили 8,5-9 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилмоқда. Олинадиган даромад эса 2015 йилларидан бошлаб триллион доллардан ошиб кетади, деб тахмин қилинмоқда.

Маълумки, хомашёни тежаш — атроф-муҳит ифлослигини камайтириш, инсон саломатлигини яхшилаш имкониятларини беради. Масалан, ҳозирги кунда ҳар йили дунё бўйича 500 тоннага яқин кремнийнинг сараланган монокристаллари ишлатилади. Бунинг учун 100 минглаб тонна хомашё ишлатилади. Наноматериаллар ишлаб чиқаришга жорий қилинишининг дастлабки йилларидаёқ кремний сарфи 10-15 марта камайиши мумкин. Натижада хомашё захиралари сақлаб қолинади, кремний ишлаб чиқарадиган корхоналар сони кескин камаяди.

— Бу соҳада МДҲ-да қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Ҳамдўстлик давлатлари ичида энг самарали тадқиқотлар Россияга тўғри келади. Кейинги йилларда ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, университетлар янги технологиянинг ҳар хил йўналишлари бўйича назарий ва амалий илмий ишлар олиб бормоқдалар. Илмий изланишларга Ж. Алфёров, Ю. В. Гуляев, Ю. А. Осипян каби дунёда донгдор олимлар бошчилик қилмоқда. 2001-2003 йилларда 5 та олий ўқув юртида нанотехнологиянинг ҳар хил йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Бу соҳа давлат аҳамиятига эга энг долзарб соҳалар жумласига киритилган. Украина ва Беларусь олимлари ҳам кейинги пайтларда нанотехнология соҳасига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Республикамизда бу соҳада самарали ишлар 2000 йиллардан амалга оширила бошланди. Фан ва технологиялар маркази нанотехнология, наноэлектроника йўналишлари учун юз миллионлаб сўм маблағ ажратди. Масалан, бизнинг илмий-амалий гуруҳимизнинг ўзи 2000-2005 йилларда давлат бюджети бўйича молиялаштирилган 3 та мавзу бўйича 20 миллион сўмдан ортиқ илмий-тадқиқот ишларини бажарди. Танловга янги яна 2 та мавзу берилди. МДҲ миқёсида биринчилардан бўлиб академик П. Ҳабибуллаев раҳбарлигида ЎзФА Иссиқлик физикаси бўлимида нанотехнология маркази ташкил қилинди. Ахборот технологиялари университетида академик Т. Ражабов раҳбарлигида нанолаборатория фаолият кўрсатмоқда. Академик Ў. Расулов бошчилигида «Электроника» илмий-текшириш институтида назарий ва амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

— Техника университетида, жумладан, сиз раҳбарлик қилаётган илмий гуруҳда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Университетимиз раҳбарияти бу соҳага алоҳида аҳамият билан қарамоқда. Жумладан, механика факультети қошида 2003 йилда Наномарказ ташкил қилинган. Наноплёнкалар олиш бўйича проф. М. Баҳодирхонов раҳбарлигида, нанокукунлар олиш бўйича эса проф. Р. Карамазов ва доц. Ф. Норхўжаев раҳбарлигида самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бизнинг гуруҳимизга келсак, айнан шу соҳа бўйича кейинги 3 йил ичида 1 та докторлик ва 1 та номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди, 2 та докторлик иши ҳимояга тайёрланмоқда. Битта ходимимиз халқаро «TWAS» гранти ғолиби бўлди. Ҳозирги кунда университетимизда нанотехнология соҳаси бўйича янги йўналишни очиш режалаштирилмоқда.

— Мамлакатимизда нанотехнологияни ривожлантириш қандай истиқболга эга?

— Ҳар бир ривожланаётган давлат бу соҳани пухта эгаллаши керак. Албатта, ҳар қандай давлат ҳам ўзида наноматериаллар асосида янги компьютерлар, янги электрон асбоблар ва қурилмалар яратиш имкониятига эга бўлавермайди ёки тайёр маҳсулотни ишлатиш қулайроқ бўлиши мумкин. Аввало, яқин кунлардан бошлаб ўта замонавий нанотехнологик асбоб ва қурилмалар республикамизнинг барча соҳаларига кириб кела бошлайди. Уларни бошқара оладиган, ишлата оладиган, олинган натижаларни таҳлил ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қила оладиган, зарур бўлса, уларни такомиллаштира оладиган мутахассислар керак бўлади. Ҳозирда республикамиз олимлари бу соҳада хорижий мамлакатлар, Россия ва бошқа МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйишган. Аммо кейинги босқичларда янада кўпроқ маблағ ажратилиши ва бундан ҳам самаралироқ фаолият олиб борилиши бугунги кун талабидир.

Суҳбатдош: М. САФАРОВ.

Фан — тараққиёт хизматида

Талабалар — Болаларга

Наманганда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» шиори остида ҳайрия тадбири ўтказилди. Бир ой давом этган акция давомида вилоят марказидаги уч олий ўқув юрти талаба қизлари қийқим матолардан беш минг донадан ортиқ ранг-баранг ўйинчоқлар, турли эртаклар қаҳрамонларини ясадилар. Ўтган ҳафта тадбирнинг якунловчи қисмида ўйинчоқлар ўз эгалари — Наманган шаҳридаги 6-махсус ногирон болалар интернати ҳамда 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига топширилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ҳали ҳам имконият бор

МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад Барадей ҳали ҳам Эрон ядровий дастур билан боғлиқ юзага келган қийин вазиятдан чиқиб кетиши мумкинлигини билдирди. Икки кундан буён Халқаро атом энергияси агентлиги бошқарув кенгаши Венада мазкур масала бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этиладиган резолюция лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Бироқ йиғилиш қатнашчилари ҳалига қадар бирор қарорга келганлари йўқ.

Барадейнинг қайд этишича, ушбу масала юзасидан МАГАТЭ томонидан тайёрланаётган ҳисобот эълон қилинмагунча, Хавфсизлик кенгаши Эронга нисбатан ҳеч қандай жазо чоралари қўлламайди.

Эроннинг БМТдаги доимий вакили Али Султонийнинг журналистларга берган интервьюсида таъкидланишича, расмий Теҳрон МАГАТЭ резолюцияси лойиҳасини Россия ва Хитой қўллаб-қувватламаслигидан умид қилмоқда.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Қўшма корхона иш бошлади

Москва ва Киев ўртасида «Укргаз-Энерго» қўшма корхонаси ташкил этилди. Мазкур корхона орқали расмий Москва билан келишилган нархда Украинага газ етказиб берилади. Корхона муассиси ҳисобланган «РосУкрЭнерго» низом жамғармаси «Газпром» ва «Нафтогаз Украины»га тегишли. «РосУкрЭнерго» эндиликда Россиядан ҳар бир минг кубометр газ учун 230 доллардан, Марказий Осиё гази учун эса арзонроқ ҳақ тўлайди.

Эҳтиёт бўлинг, вирус!



«Касперский лабораторияси» тадқиқот раҳбари Евгений Касперский «Известия» газетасига берган интервьюсида таъкидлашича, интернет орқали тарқалган «Никсем» вируси камида ярим миллионта компьютерни зарарлантирган. Лаборатория мутахассисларининг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, вирус бир миллиард доллар миқдорида иқтисодий зарар келтириши мумкин.

Лаборатория таҳлилчиси Александр Гостевнинг журналистларга маълум қилишича, мазкур вирус ҳар ойнинг учинчи куни компьютерларга ҳужумга ўтаётганлиги аниқланган.

Бюджет тақчиллиги ўсмоқда

Жаҳон банкининг огоҳлантиришича, Фаластин Мухторияти бюджети назоратдан чиқиб кетган. Банк мутахассислари тайёрлаган ҳисоботда айтилишича, ўтган йили бюджет тақчиллиги 800 миллион долларга етганди.

Банкнинг ушбу чақириғи «ХАМАС» ғалабасидан кейин АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан мухториятга молиявий ёрдам кўрсатилиши тўхтатилиши маълум қилинган бир пайтда янграмоқда. Исроил ҳукумати ҳам божхона ва солиқ тўловларидан келадиган 55 миллион долларни Фаластинга тўламаслигини билдирди.

Қўшимча қуч жўнатилади

Голландия парламенти Афғонистондаги тинчликпарвар кучлар сонини кўпайтириш юзасидан қарор қабул қилди. Эндиликда Афғонистонга яна қўшимча 1400 ҳарбий жўнатилади. Голландиялик ҳарбийлар мамлакатнинг жанубий ҳудудларига жойлаштирилади.

«АвтоВАЗ»нинг янги қадами

Россиянинг «АвтоВАЗ» концерни йилига 450 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга янги завод қуришни режалаштираяпти. Бу ҳақда компания директори Игор Есиповский маълум қилди. Завод директорлар кенгаши раҳбари Владимир Артяковнинг қайд этишича, ҳозирча мазкур лойиҳа учун қанча маблағ сарф этилиши номаълум, бироқ гап бир неча миллиард доллар-лик лойиҳа ҳақида бормоқда.

23 йилдан сўнг

Сурия Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, 23 йиллик танаффусдан кейин расмий Дамашқ Ироқ билан алоқаларни қайтадан тиклашини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Бағдодда янги ҳукумат шакллантирилгандан сўнг икки давлат ўртасида элчилар алмашинади.

Ташқи ишлар вазири Ироқнинг янги ҳукумати билан алоқалар бундан кейин кенг ривожланиб кетишига умид билдирди. Эслатиб ўтамиз, икки давлат ўртасидаги алоқалар 1982 йилда тўхтаб қолган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Берлусконига яна ишонишди

Италия Сенати Сильвио Берлускони ҳукуматига яна бир бор ишонч билдирди. 159 сенатор амалдаги давлат раҳбарини қўллаб-қувватлади. Бор-йўғи уч нафар депутат қарши овоз берди, дея хабар тарқатди «АНСА» ахборот агентлиги.

Мазкур масала мамлакатдаги сайловолди жараёнларида сиёсий партиялар ва ҳаракатлар четдан молиялаштирилган, деган маълумотлар пайдо бўлгандан сўнг Сенат ҳукмига ҳавола этилганди.

Таъкидлаш жоизки, Сильвио Берлускони ҳукумат тепасига келгандан буён унга ишонч билдириш масаласи Сенатда 30 маротаба муҳокама қилинди.

Молиявий ёрдам кўрсатилаяпти

Литва ҳукумати юзага келган энергетика инқирозидан чиқиб кетиши учун Грузияга 87 минг евро миқдорида молиявий ёрдам кўрсатди. Эслатиб ўтамиз, шу йил 22 январь куни Шимолий Осетия орқали келадиган газ қувурида рўй берган портлаш оқибатида мамлакат энергетика инқирозини бошдан кечирганди.

Бундан бир муддат олдин Украина ҳам Грузияга 2,4 миллион доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатган эди.

«Халқ сўзи» назоратида

Бир танқидга икки жавоб

"Халқ сўзи"нинг 2005 йил 18 ноябрь сонида чоп этилган "Қиш синовига тайёрмисиз?" мақоласи шаҳар ҳокимлиги штаб йиғилишида кўриб чиқилди. Электр тармоқлари, "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамда газ таъминоти идораси раҳбарлари йўл қўйган камчиликлари учун огоҳлантирилиб, газетада тилга олинган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўришлари лозимлиги уқтирилди.

Эндиликда бирлашмалар, корхона-ташкилотлар, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кузги-қишки мавсумга мўлжаллаб ишлаб чиқилган ташкилий ва техник чора-тадбирлар асосида иш юритилмоқда. Юзага келаётган муаммолар ҳар куни шаҳар ҳокимлиги ва вилоят "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бирлашмасида тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокидаги ишчи гуруҳида кўриб чиқилаяпти, хато-камчиликлар ечими изланаяпти. Шаҳар ҳокимлиги ходимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари раҳбарияти ҳамда мутахассислари ҳамкорлигида уй-жой масканлари ва маҳаллаларда аҳолини иссиқлик энергияси, табиий газ билан таъминлаш масалалари таҳлил қилиниб, фуқаролар билан учрашувлар ўтказилмоқда, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Сиёб ва Боғишамол ҳудудларидаги қатор маҳаллаларда бу борада ўзига хос муаммолар мавжудлиги боис шаҳар ҳокимлиги раҳбарлигида Самарқанд давлат меъморчилик институтида, «Кимёгарлар» ва «Фарҳод» кўрғонларида доимий штаблар ташкил этилиб, кўмир, ўтин, суюлтирилган газ баллонлари, темирдан ясалган печкалар ғамлаб қўйилган. Табиий газ босими паст ёки умуман йўқ масканлар хатловдан ўтказилиб, муаммолари мавжуд оилаларга кўмир, ўтин ва суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.

Сартепа мавзесидаги 82 ва 83-уйларнинг кириш йўлаклари эшиклари ва деразалари, ертўлаларидаги муҳандислик тармоқлари "Самандар" уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 800 минг сўмдан зиёд маблағ ҳисобига таъмирланди.

Ҳозир барча маҳаллалар, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасаларида ишчи гуруҳлар тузилиб, навбатчиликлар жорий этилган.

Ш.ҲУСАНОВ,
Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари.

Акциядорлик жамиятимиз аъзолари мақолани Самарқанд шаҳар электр тармоқлари жамоаси ва вилоятдаги туманлар электр тармоқлари раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқдилар. Муҳокама чоғида газетада тилга олинган далиллар тўғрилиги эътироф этилиб, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Янги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик режалари бажарилганига қарамай, уларда барча нуқсонлар қамраб олинмагани таъкидланди. Шунга мувофиқ, қўшимча равишда Сартепа мавзеини электр энергияси билан таъминловчи, кўп йиллардан буён ишламай турган кабель тизими ҳаво тизимига алмаштирилди. Бунинг учун 3,16 миллион сўм сарфланди. Бошқа кўплаб даҳалардаги эскирган электркабеллар ҳам янгиланди. Жамоа аҳли келгусида ҳам муддатини ўтаб бўлган кўҳна тармоқларни жорий ва қайта таъмирлашга, аҳолини мунтазам равишда электр токи билан таъминлашга тайёр. Аммо беминнат энергия ҳақини вақтида тўламаслик кўп йиллик муаммолардан бири бўлиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Сартепа мавзеида жойлашган 82-уйнинг 6-хонадони қарзи бугунги кунда салкам 90 минг сўмни, 83-уйдаги 10-хонадонники 310 минг сўмни ташкил этади.

Бундан қатъи назар, жамоамиз мақолани тўғри ва ўз вақтида ёзилган деб ҳисоблайди. Аҳоли ҳамда корхона-ташкилотлар томонидан электр энергия учун тўловларнинг муддатида амалга оширилишига доир муаммоларни бартараф этишда матбуот мададига таянади.

Т.РИСҚУЛОВ,
"Самарқанд электр тармоқлари" очиқ турдаги акциядорлик жамияти директори.

Ислоҳот ва самара

Ривожланган мамлакатларда банк тизимининг стратегик вазифаларидан бири — бу аҳолининг яшаш даражасини оширишдир. Айни шу вазифанинг ижроси эса ўз навбатида мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга олиб келади.

«Ипотека-банк»:

КОММУНАЛ ХИЗМАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Шундан келиб чиқиб, масалан, «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкида коммунал соҳада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк ролини ошириш мақсадида махсус бўлим ташкил этилган. «Коммунал хўжалиги ташкилотларини кредитлаш ва уларга хизмат кўрсатиш» деган ушбу бўлим эса соҳанинг ривожланиш истиқболларини аниқлаш, коммунал хўжалиги ташкилотларига тегишли ҳукумат қарорлари ижросини бажарилишини таъминлаш, корхоналарнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланмаганлигини, зарар кўриб ишлаётганлигининг сабабларини ўрганиш ва изчил фаолият юритиш юзасидан зарур чоралар кўриш, ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, энг асосийси уларнинг дебиторлик қарзларини қисқартириш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Бунда, табиийки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик ҳамда ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш учун истеъмолчилар масъулиятларини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»»ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қарорда аҳолига кўрсатилган хизматлар учун муддати ўтган қарздорликнинг ҳар бир кунга 0,1 фоиз миқдорида пеня ҳисобланиши; ўз вақтида тўловларни тўламаган истеъмолчиларнинг манбалари белгиланган тартибда узилиши; уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал таъминотчилар томонидан аҳолини нақд пул маблағларини кассадан ташқари ҳолда йиғиш ишларини ташкиллаштириш тақиқланганлиги белгилаб қўйилган.

Бу эса, ўз навбатида, аҳолини коммунал тўловларининг ўз вақтида банк кассаларига тўлашга ундайди.

Шу муносабат билан, айтиш мумкинки, аҳолига бу борада қулайлик яратиш мақсадида «Ипотека-банк» томонидан бир қанча хизматлар ташкил этилган.

Хусусан, банк республика коммунал хўжалиги ташкилотлари билан биргаликда ҳар куни, ҳатто ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ҳам, 350 дан ортиқ кўчма ва кечки кассаларнинг ишлаши йўлга қўйилмоқда. Уларнинг ходимлари эса аҳоли уйининг ўзида коммунал тўловлар учун ҳисоб-китобларни амалга оширишяпти. Қолаверса, маҳаллаларда жамғарма кассалари очиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса аҳолини маҳалла шароитига ўргатиш ва коммунал тўловларни йиғишда маҳаллалар ролини ошириш ва уларни белгиланган тартибда рағбатлантиришдан иборатдир.

Мисол учун, янгидан ташкил этилган «Коммунал» жамғармаси фаолиятини олиб кўрайлик. Бу жамғарма томонидан омонатчига қўйган маблағларининг йилига 30 фоиз миқдоридаги даромадлари, уларнинг мурожаатига асосан, бир йилгача бўлган муддатда коммунал ташкилотларига олдиндан аванс сифатида тўлаб борилади. Ушбу жамғарманинг афзалликлари нималардан иборат? Аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 178-сонли қарори 7-бандига асосан, коммунал хизматлар учун аванс сифатида тўланган тўловларга, ушбу даврда тегишли тарифлар кўпайган тақдирда, аҳоли қўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади (12 ойдан ортиқ бўлмаган давр учун), иккинчидан, аҳоли коммунал тўловларни тўламасдан, коммунал хизматлардан фойдаланади, яъни уларнинг тўловлари олинадиган даромад ҳисобига банк томонидан тўлаб берилади, учинчидан эса, аҳоли кассаларга бориш ва навбатларда туришдан халос этилади, яъни уларга ўз вақтларини тежаш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, банк томонидан Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатининг ишчи-ходимларига пластик карточкалар ёрдамида коммунал тўловларни тўлаш усули жорий этилган. Шу мақсадда УЖМШ ходимлари билан биргаликда кўчма кассаларда терминаллар орқали коммунал тўловларни йиғиш ишлари ташкил қилинмоқда.

Умуман, бугунги кунда банк тизимида 600 та жамғарма кассаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан эса 2005 йилда жами 162,0 млрд. сўм миқдорида аҳолининг нақд пул маблағлари йиғилди. Унинг 62,1 млрд. сўми коммунал тўловларни ташкил этади. Бир мисол, Тошкент шаҳридаги аҳолидан коммунал тўловлар тушуми таҳлил қилинганда, умумий тушумнинг 63 фоизи банк жамғарма кассаларида йиғилганлиги ва қолган 37 фоизи эса бошқа банк кассалари орқали жамғарилганлиги аниқланди.

Аниқроқ қилиб айтганда, 2005 йилда коммунал тўловлар тушуми 2004 йилга нисбатан 14510,1 млн. сўмга (30,5%) ошди.

Бундан ташқари, коммунал хўжалиги ташкилотларининг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида 2005 йилда банк томонидан жами 45,0 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Чунончи, корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш учун 55-махсус схема асосида 2,4 млрд. сўм миқдорида мақсадли кредит ажратилиб, факторинг хизматлари кўрсатилди. Пировардида 8,9 млрд. сўмлик иқтисодий самарага эришилди.

Айни чоғда 2005-2006 йилларнинг кузги-қишки мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида коммунал хўжалиги ташкилотларига жами 9814,2 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Фақат шугина эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 99-сонли қарори ижросини бажариш мақсадида «Ўзкоммунхизмат» агентлигига жами 45,3 млрд. сўмлик кредит маблағлари берилди. Бу маблағнинг 21,2 млрд. сўми эса фақат 2005 йилга тўғри келди. Натижада кўплаб хонадонларнинг газ ҳисоблагичлари билан таъминланишига, бу билан эса корхоналарни айланма маблағлар билан таъминлаб, уларнинг иқтисодий фаолиятининг яхшиланишига, муҳими, табиий газ истеъмолчилари сонининг ошишига қарамасдан, улар томонидан газ истеъмолининг кам сарфланишига эришилди.

Кўриниб турибдики, банк томонидан ажратилаётган кредит маблағлари нафақат мижозлар фаолиятини ривожлантиришга, балки ушбу тизимдаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳоли манфаатлари йўлида ҳам сарфланмоқда. 2005 йил давомида 73 та уй-жой мулкдорлари ширкатларига, уй-жой фондини капитал таъмирлашга, жами 297,9 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Афсуски, шунга қарамасдан, аҳолининг коммунал хизматлар учун қарздорлиги бугунги кунда катта миқдорда сақланиб келаётгани ташвишланарлидир. Бизнингча, бу ҳолатга бошқа тарафлама ёндашиш керак, деб ўйлаймиз. Яъни, ҳақиқатан ҳам, аҳолига ушбу хизматлар ўз вақтида, белгиланган меъёрларда кўрсатиляптими ёки йўқми? Шу нуқтаи назардан қараганда, жойлардаги УЖМШнинг раҳбарлари «УЖМШ тўғрисида»ги Қонун асосида Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимликлари ёрдамида ўз аъзоларининг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлларини уқтиришлари лозим. Чунки иссиқлик энергияси бўйича катта қарздорликка бугунги кунда катта харажатлар талаб қилувчи технологиялар сақланиб қолгани сабаб бўлмоқда. Бунга барҳам бериш учун нималар қилмоқ керак?

Битта ёки иккита турар жойга кичкина қозонхона ўрнатилиши зарур. Шунда қувур йўли магистралида катта миқдордаги иссиқликни йўқотишга чек қўйилади. Бу эса ушбу магистралларда авария харажатларини ҳам тежайди. Бундан ташқари, ҳар бир яшовчи ўзининг хоҳиши ва имкониятига қараб, ўрнатилган ўлчагич асосида тўловларни тўлашга эришади.

И. АКБАРОВ,
корпоратив мижозларни кредитлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ЗАБОНСИЗ ЯРАТИЛГАН ОБРАЗ

Театр

Уни кўпчилик комик актёр деб атайди. Аммо ўзи бундай ҳисобламайди. Истеъдодига, иқтидорига қатъий ишонгани учун баъзида мақтаниб кўяди: «Трагик ёхуд жиддий ролларни ижро этишда ҳам профессионал актёрман».

Демак, у «Мен кимман, қўлимдан нима келади, саҳнага чиққанимда томошабин эътиборини торта оламанми?» қабилидаги саволларга жавоб топиб улгурган. Бунга унинг ўтган йиллар ичида ҳам театр саҳнасида, ҳам кино соҳасида турфа характердаги талай образларни яратиш баробарида етарли тажриба орттиргани сабаб бўлса не ажаб.

Демак, у ўзининг ибораси билан айтганда, «бекорга Қашқадарёдан пойтахтга поездга «осилиб» келмаган». Санъат институтининг эшигидан беш йил давомида шунчаки кириб-чиқиб юрмаган. Ҳар мақомга йўрғаламаслик учун устозларнинг этагидан маҳкам тутган. Бугун у — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

У ҳақда гапирганда театр ихлосмандларининг кўз ўнгида «Кундузсиз кечалар»даги унсиз йиғлаётган гунг (Галдир), «Чимилдиқ»даги Бобо, «Қалиқ ўйини»даги Куёв, «Бир кошона сирлари»даги Бўрсиқ ва яна бошқа кўплаб образлар намоён бўлади. Кино мухлисларидан айримлари уни Бойкенжаев («Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар») деб чақирса, баъзилар Ямаха («Бомба») деб атайди. Бошқа бировлар учун эса у шунчаки Дилкаш («Афанди ва Азроил»), Файзи пиён («Дилхирож»), Акром («Сардор-2») бўлиб кўринади.

— Институтдаги таҳсил даврида, театр ва кинодаги арзимас фаолиятим давомида устозлик қилган барча инсонлардан бир умр миннатдорман, — дейди у. — Мисол учун, институтда Нина Ивановна Тимофеевадан олган сабоқларим, саҳнада Пўлат ака Саидқосимовдан эшитган ўгитларим қанчалик муҳим аҳамият касб этганини, санъаткор-актёр, халқона тилда артист бўлсам-да, сўз билан ифодалаб беришим мушкул. Боиси ўзинг учун қадрли одамлар ҳақида гапирганда ҳаяжонни бир четга суриб қўйишнинг иложини топа олмайсиз.

Унинг ижролари хусусида баъзан шундай тавсифлар ҳам қулоққа чалиниб қолади: «Кўнгил кўчалари» ҳамда «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси» видеофильмларидаги Тиллавой ва Фарҳод образлари характер жиҳатдан унинг ички дунёсига мос келгани учун маромига етказиб ўйналган.

«...Тиллавойнинг онасидан хабар олмаслиги менга бегона».

Хўш, бу борада актёрнинг ўзи қандай фикрда?

— Аввало, томошабинларга шунчалик диққат-эътибор, теран нигоҳ учун минг бор ташаккур. Улар санъатга ҳам, санъаткорга ҳам ҳеч қачон бефарқ бўлишмаган. Тилга олинган образлардаги хусусиятлар — тиниб-тинчимаслик, елиб-югуриш, яхши яшашга интилиш менда ҳам бор. Лекин Тиллавойнинг онаси ҳолидан хабар олмаслиги менга бегона. Аксинча, нафақат онам билан тез-тез кўришамиз, балки ҳар бир янги образни, таъбир жоиз бўлса, кичик муҳокамадан ўтказамиз, десам муболаға бўлмайди. Мисол учун, битта ролни ижро қилаётганимда, шундай ўрни келдики, сценарийдаги матнга отам билан боғлиқ иборани қўшиб кетдим. Онам пайқаган эканлар. Кейин шуни айтишинг шартмиди, дея танбеҳ берган бўлдилар.

У болалигимда онам кўрпа қавиб ўтириб қўшиқ айтардилар, мендаги санъатга қизиқиш ўша пайтда уйғонгандир балки деб ўйлайди. Ҳар хил режиссёрлар билан ижод қилишни хуш кўради. Шундай бўлса-да, актёрликнинг битта ёмон томони бор, деб ҳисоблайди. У ҳам бўлса — режиссёрга тобелик.

У ижодкор аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш яхши самара беради деган қатъий фикрда.

Мен театр ёхуд кино соҳасида билимдон эмасман. Шунинг учун таъсирланганим — забонсиз образ ҳақида мутахассис фикри билан хулоса ясамоқчиман. «Театр» журнали у ҳақда шундай ёзади:

«...Актёр учун энг зарури — истеъдод, иқтидор. Аммо ҳеч қандай гап-сўзсиз, овозсиз ҳам образ яратса бўладими? Ҳа, бўлар экан. Усмон Азимнинг «Кундузсиз кечалар» асаридаги Фарҳод Абдуллаев яратган гунг образини кўргач, бунга амин бўлдим. Спектаклнинг Чўлпонни ҳибсга олиб кетиш саҳнасида шоирнинг этакларига унсиз ёпишган гунгнинг ҳолатидан, унинг бир оғиз сўз айтишга ожизлигидан, инграшидан қалбингиз ўртанади. Гунг тинимсиз инграйди, ёшларини шашқатор қилиб йиғлайди ва сиз ҳам беихтиёр қўшилиб йиғлайсиз, унинг дардига шерик бўласиз...»

Озод БЕК.

Спорт

Мактабнинг кечаги кунини бир эсланг. Жисмоний тарбия дарси қандай ўтарди? Кўпчилик унга дарслар орасидаги катта танаффус сифатида қарашарди. Баъзи ўқитувчиларнинг ўзи нима қилишни билмасди. Ҳамма дарс бир хил: саф тортиб, бироз чигалёзди машқлари бажариш, кейин копток тепиш. Бу ҳам ёзда. Қишда эса — қорбўрон. Спорт залига эга мактаб саноқли эди.

Жисмоний тарбия

ўқув дастурида асосий дарсга айланмоқда

Таълим ва ислоҳот

Бугун эса ўзгача манзара. Барча мактабларда очиқ спорт майдонлари билан бир қаторда замонавий спорт заллари қурилмоқда. Фақат 2005 йилда Қашқадарё вилояти мактабларида 25 та спорт зали фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда 447 та мактабда жисмоний тарбия дарслари жиҳозланган спорт залларида ўтказилмоқда. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш» Давлат умуммиллий дастурида яна 175 та спорт зали қуриш кўзда тутилган. Янгидан қуриладиган 115 та мактаб лойиҳаларига ҳам замонавий спорт заллари киритилган.

Ғузор тумани мактабларида жисмоний тарбия дарсларига алоҳида эътибор берилаяпти. Бир қарашда бошқалардан фарқ қилмайдиган мактаблар. Лекин спорт соҳасидаги натижалари яхши.

Туман халқ таълими бўлимининг мудири Ҳусниддин Нуриддинов ҳамроҳлигида тумандаги 34-мактабга бордик. Унда 1059 нафар ўқувчи таълим олади. Мактаб биносининг бир қаноти жисмоний тарбия дарслари учун ажратилган. Катта спорт зали, бир неча ёрдамчи хоналар. Жисмоний тарбия ўқитувчиси учун махсус иш хонаси. Деворда «Ўзбекистон фахри» стенди осилган. Унда таниқли спортчиларнинг суратлари қўйилган. Хонада «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига тайёргарликнинг боришига бағишланган ҳужжатлар учун алоҳида жой ажратилган. Столга спортнинг барча турлари бўйича алоҳида-алоҳида жилдлар териб қўйилган. Улар билан танишган киши мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг туман ва вилоят босқичларида эришган натижалари, бугунги кунда вилоят терма жамоаси аъзоларини мусобақанинг республика босқичига тайёрлаш қандай бораётганлигини билиб олади.

Мактабда дарс пайти экан. Бир гуруҳ ўқувчилар спорт залида баскетбол ўйнашаяпти. Ўқитувчи уларнинг ҳаракатини кузатиб, йўл-йўриқ бериб турибди. Жараёнга халақит бермаслик учун спорт залини тезгина кўздан кечирдик. Сифатли таъмирланган катта зал баскетбол, волейбол, мини футбол, теннис ўйнаш учун мослаштирилган.

— Ўтган йили мактабимизни давлат бюджети ҳисобидан таъмирлаб беришди, — дейди директор Сайёра Ғаниева. — Спорт зали, ёрдамчи хоналар ҳам кўнгилдагидай бўлди. Ҳамма анжомлар бор. Мактабимиз аввалдан спорт бўйича яхши натижага эришиб келган.

Биз дарс тугагандан сўнг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Зокир Алиев билан мулоқот қилдик. У Бухоро давлат университетини бундан ўн йил аввал тугатган. Шундан бери ўзи ўқиган мактабда дарс бериб келаяпти. Ишидан мамнун: «Ўқувчиларим жисмоний тарбия дарсларини орзиқиб кутишади. Синфда ўтиладиган назарий машғулотларда ҳам, спорт залида ёки очиқ спорт майдончасида ўтиладиган жисмоний машқларда ҳам ўқувчилар тўлиқ иштирок этишади. Бизда дарсдан озод қилинган ўқувчи йўқ. Агар кимдир соғлиғи туфайли жисмоний машқларни тўлиқ бажара олмаса, ўзига мос машқни танлаб, ўша билан шуғулланади. Чунки ҳамма ҳам спортчи бўлавермайди. Лекин жисмоний чиниқиш ҳаммага керак. Шунинг учун ҳам биз, ўқитувчилар ўқувчиларда жисмоний маданиятни шакллантиришимиз керак».

Ўқитувчининг мулоҳазаларини тинглар эканман, жисмоний тарбия дарсининг самарадорлигини белгиловчи мезонни аниқлашга ҳаракат қилдим. Гап айланиб, ўқувчиларнинг спортнинг у ёки бу тури бўйича эришган натижаларига тақалди.

— Мактабимиз баскетбол ва қўл тўпига ихтисослашган, — дейди Зокир Алиев. — Шу турлар бўйича туман терма жамоасини ҳам ўзим тайёрлайман. Вилоят миқёсидаги мусобақаларда ҳамиша яхши қатнашиб келаяпмиз. 2003 йилда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида учта ўқувчим вилоят шарафини ҳимоя қилди. Қўл тўпи бўйича терма жамоамиз дарвозасини қўриқлаган Улуғбек Бобомуродовнинг ўйинидан қониқиш ҳосил қилдик. Қизлар жамоасида Дилором Ёрматова яхши ўйнади. Баскетболчи Руслан Эшонқуловнинг интилиши ҳам кўпчиликка манзур. Бу йил «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг вилоят босқичида баскетбол бўйича мактабимиз ўқувчилари туман номидан қатнашиб, 2-ўринни эгаллади. Ҳам ўғил болалар, ҳам қизлар жамоаларини тўздик. Дилафрўз Мирзаева, Маҳфуза Худойбердиева ва Феруза Қамбарова вилоят терма жамоаси аъзолигига номзод бўлишди. Энг яхши, истиқболли спортчиларни жисмоний тарбияга ихтисослашган мактаб-интернатга ўтказамиз. У ерда ҳозир 12 нафар ўқувчимиз шуғулланаяпти.

Келажакда профессионал спортчи бўлишни дилига туккан ўқувчиларнинг машқларини кузатиш учун мактаб-интернатга ҳам бордик. Ҳаво очиқ бўлганлиги учун футбол майдони ўқувчилар билан гавжум. Ҳамма ўзи учун белгиланган машқларни бажариш билан банд. Умуман, мактабнинг моддий-ўқув базаси яхши. Катта футбол, мини-футбол майдонлари ва иккита спорт зали бор. 185 нафар ўқувчи спортнинг футбол ва кураш турлари билан шуғулланиш билан бирга бошқа фанларни ҳам чуқур ўзлаштирмоқдалар. Спорт мактаб-интернатининг 15 ўқувчиси мамлакат чемпиони бўлганлиги учун Қарши давлат университетига тест синовларисиз қабул қилинди. Улар ҳозир вилоят терма жамоаси сафида масъулиятли мусобақаларда иштирок этмоқдалар. Келажакда бу талабалар жисмоний тарбия ўқитувчиси, мураббий бўлиб, ёш спортчиларни тарбиялаш соҳасида ўзларини кўрсатадилар, деган ишонч бор устозларида.

— Жисмоний тарбия энг мураккаб дарслардан бири, — дейди Ҳусниддин Нуриддинов. — Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг салоҳиятини яхши билиши керак. Соғлом, бақувват ва чаққон ўқувчилардан яхши спортчи тайёрлаш билан бирга, жисмоний имкониятлари чекланган ўқувчиларнинг ҳам машғулотларда мунтазам қатнашиб, соғлиғини тиклаб олиши, тенгқурларига етиб олиши тўғрисида қайғуриши лозим. Жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳам яхши спортчи, ҳам шифокор, ҳам руҳшунос бўлиши керак, деб бекорга айтилмаган. Махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчигина бу ишнинг уддасидан чиқиши мумкин.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хитой Тайпейида ўзбек кураши

Хитой Тайпейи ўтган йилнинг ноябрь ойида Халқаро кураш ассоциациясига расмий равишда аъзо бўлганди. Мамлакат кураш федерацияси президенти Девид Лунинг таъкидлашича, қисқа вақт мобайнида Тайпей, Канми, Тайжон, Тайпан ва Каржон шаҳарларида машғулотлар ўтказишга мўлжалланган клублар ташкил этилди. Шунингдек, федерация халқаро турнирларда терма жамоани шакллантириш устида иш олиб бормоқда.

Ўзбек курашига оид яна бир хабар. Осиё кураш конфедерациясининг яқинда ўтказилган Конгрессида катталар ўртасидаги навбатдаги қитъа чемпионатини Афғонистонда ўтказишга келишиб олинганди. Айни пайтда Осиё кураш конфедерацияси президенти Муҳаммад Деракшан бошчилигидаги делегация хизмат сафари билан Қобулда бўлиб турибди. Сафардан кўзланган мақсад чемпионат ўтадиган спорт мажмуалари, меҳмонхоналар ва бошқа шароитлар билан яқиндан танишишдан иборат.

Қитъа чемпионати олдидан

Футбол бўйича мамлакатимиз терма жамоаси 12-19 февраль кунлари янги мураббий Валерий Непомнящий бошчилигида БААда ўтадиган ўқув-йиғин машғулотларида қатнашади. Миллий терма жамоа таркибига илк маротаба Москванинг ЦСКА клубида тўп сурадиган ҳамюртимиз Виталий Денисов чақирилди. Шунингдек, мураббий Зайниддин Тожиев ва Андрей Власичевларга ҳам катта ишонч билдирган. Эслатиб ўтамиз, терма жамоамиз навбатдаги Осиё чемпионати саралаш учрашувининг дастлабкисини 22 февраль куни Бангладеш футболчиларига қарши ўтказади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ИЛОН ЗАҲРИ НЕЧА ПУЛ?

Улар ожизмидилар? Улар нотавон эдиларми? Тўрт мучаси соғ одам ҳам ожиз бўладими? Шекспир бобо «Ожизларнинг кучи — ҳийла-найрангда», деб айтганларида шунга ўхшаш одамларни назарда тутгандир, эҳтимол. Дарҳақиқат, фирибгарлик тўнини эгнига илган одам қўрқоқ бўлади, чумчуққа ўхшаб бир чўқиб, етти бор аланглайди.

Суд залидан

Уларнинг барчаси ўттизнинг нариберисида, айни кучга тўлган, бирор жойда ишласа, тоғни талқон қилиш даражасида эди. Бироқ ҳаммасининг манглайида битта тамға бор: «вақтинча ишсиз». Аслида уларни бирлаштирган айнан шунинг ўзи эди. Нафс балоси эса фирибгарликка, жиноятга бошлади уларни. Улар нафснинг қулига айландилар, ва алалоқибат, унинг домига ҳам тушиб улгурдилар.

...Нурмат Тоиров, Эркин Назаров ва Меҳриддин Қодиров муқаддам судланган, Юнусбой Субҳонқулов эса бу кўчага илк бор оёқ босиши.

Энг қизиғи, Нурматбой ва Эркинбойлар фирибгарлиги, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини қўлга киритганлиги учун судланиб, хавфли рецидивист деган тамғани олиб бўлишган. Яна денг, Эркин Нурматбойга почча ҳам бўлади. Ҳа, улар бир-бирини қоронғуда чироқсиз ҳам топа оладиган устаси фаранглардан. Улар ўз жиноий гуруҳларига Эркиннинг танишлари Меҳриддин Қодиров ва Юнусбой Субҳонқуловларни ҳам жалб этади. Ўзаро тил бириктириб, Ҳасан Ғойибов деган танишларини чув туширмоққа қасд қиладилар. Катта бизнес билан шуғулланиб, бойиб кетишни орзулаётган Ҳасанбой уларнинг илон заҳрининг олди-сотдисига боғлиқ тижоратига қизиқиб қолади. Ахир, қандай ишонмасин, улар Тошкентдай жой билан алоқа қилишар экан, ҳадемай маҳсулотларини чет элларга ҳам экспорт қилишармиш. Роса омади келди-да Ҳасанбойнинг. Буларни унга худо етказди. Зора, энди ишлари юришиб кетса...

Бу ёлғонларга Ҳасанбойнинг сўлаги оққанлигини даставвал Тоирбой сезди. Ўз жиноий гуруҳи билан дарров режа тузди. Режа жуда пишиқ ва пухта ишланди, ҳар бир хатти-ҳаракатнинг ишонарли чиқиши учун роллар ижросининг «машқ»лари ҳам ўтказилди. Демак, қопқон тайёр, «ов»ни кутиш қолди, холос.

Ўтган йилнинг 29 мартида «ов» ўз оёғи билан келди. Жиноий гуруҳ кутганидек, у катта пул билан катта бизнесни бошлаш ниятида келган эди. Дарвоқе, у ҳам сал аввал ўзининг анойи эмаслигини кўрсатиб қўйди. «Олдин илон заҳрининг намунасидан берасан», деб туриб олди. Унга шиша идишда порошоксимон модда беришди. Ҳасанбой бугун ўша моддани илон заҳри эканлигига ишонч ҳосил қилиб келган эди. Хуллас, режага мувофиқ уни Қоракўл туманига — Юнусбойнинг уйига олиб борадилар. Юнусбой азалдан шу иш билан шуғулланишини, доридан 0,5 кг. борлигини, баҳоси 9 минг АҚШ доллари туришини айтди. Ва шу орада у ўзи билан ҳамкорликда ишлаётганлар кам бўлмаётганлигини ҳам қистириб ўтди.

Шундай қилиб, Юнусбой 5 минг долларини кейин келтириб бериш шарти билан Ғойибовга 0,5 кг. илон заҳри дорисини пуллайди ва ундан 4 минг АҚШ долларини қуртдай санаб олади.

Суд ҳукмидан: «Ҳасан Ғойибов Нурмат Тоировнинг илон заҳридан катта фойда олиш мумкинлиги ҳақидаги гапларига ишониб, унинг илтимосига кўра, Ғиждувон туманидаги Қусаработ қишлоғида яшовчи қариндоши Шерзод Раҳимовдан 3 минг, Когон туманидаги хеши Собир Музаффаровдан 1 минг АҚШ долларини қарз сифатида олиб, уни Субҳонқуловга элтиб беради. Ундан илон заҳрини сотиб олишни ваъда қилган Меҳриддин Қодиров ва Эркин Назаровларни кейинчалик мутлақо топа олмайди. Шундан сўнг алданганини билиб, Нурмат Тоировдан 4 минг АҚШ долларини қайтаришини талаб қилади».

Афсуски, бу пайтда пуллар тўртовлон фирибгарнинг жиғилдонида қайнаб ётарди. Ва яна минг бир таассуфки, алданиб чув тушган фақат Ҳасанбойнинг ўзигина эмас экан. Бу жиноят содир этилишидан йигирма кун аввал Нурмат Тоиров «Пахтаобод» ширкат хўжалигидаги Қуйисайдон қишлоғига келиб, Гадой Нурмуродовдан килограммини 200 сўмдан келишиб, 9 тонна пиёзини насияга олиб кетади. Пулини бир ойдан кейин албатта келтириб бериш ҳақида қасам ҳам ичади. Катта даромад олиш илинжида қиш бўйи сақлаб келаётган пиёзи аччиқ экан, шекилли, Гадойбек кўзини ёшлаб қолаверди. Фирибгар эса қайтиб қорасини кўрсатмади.

Охир-оқибат, худди кинолардагидек, барча фирибгарлар қўлга тушди ва муносиб жазосини олишди. Бу катта «киноқисса»дан ҳисса шуки, фирибгарлардан эҳтиёт бўлинг. Енгил ваъдаларнинг охири жиноятдир. Ҳар қандай жиноят, табиийки, жазосиз қолмагай!

Олим ТЎРАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман суди раиси.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 24 январь 22-06-01-157-сонли иш ажримига биноан Ўзбекистон — Германия «УНИХО» қўшма корхонасига нисбатан банкротлик таомилининг кузатув жараёни белгиланган.

Кузатув жараёнини олиб бориш учун муваққат бошқарувчи қилиб А.Содиқов тайинланган. Кредиторлар ўз талабларини билдиришлари учун «УНИХО» қўшма корхонасига мурожаат қилишлари мумкин.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2006 йил 21 февраль соат 15.00да «УНИХО» қўшма корхонаси биносида ўтказилади.

Манзил: Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Мустақиллик кўчаси, 45-уй.
Телефон: (8-362) 3322-718.

ХОАТБ «Бизнес банк» тугатиш комиссияси банк кредиторларининг даъволари кўриб чиқилиши тугатилишини маълум қилади.

Талаб этилмаган пул маблағлари 2006 йил 1 февралдан Тошкент шаҳар биринчи Яккасарой давлат нотариал идорасининг депозитига ўтказилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Иқтисодий информатика кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академиги Восил Қобулович Қобуловга турмуш ўртоғи

НАСИБА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, раси, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Каримовна Саидовага падари бузруквори

Карим САИДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси университет қошидаги малака ошириш институтининг Информатика ва математика кафедраси мудири, доцент

Қаҳрамон ИСЛОМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги собиқ вазир ўринбосари

Мирҳамид Камилович ШАРИПОВнинг

вафот этганлигини маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 23.00 Топширилди — 23.25 123456